

UO‘K (UDK): 801.82

«ДИПЛОМАТИК ЁЗИШМАЛАРНИНГ ТУЗИЛИШИДАГИ ХОСЛИКЛАР (МИСР АРАБ РЕСПУБЛИКАСИ МИСОЛИДА)»



<https://doi.org/10.5281/zenodo.14413120>

Абдупаттахов Жахонгир Миртуйчиевич

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Арабишунослик олий мактаби

катта ўқитувчи

Тошкент, Ўзбекистон

jahon1124gir@gmail.com

+99891 192 02 23

АННОТАЦИЯ

Мақола араб тилида дипломатик ёзишмаларнинг хосликларига бағишланган. Унда дипломатиянинг ўтмишидаги ва замонавий шакллари борасида сўз юритилади. Замонавий дипломатик ноталарнинг тури, ички тузилмаси, араб тилида ифодалаш услуб ва ёндашувлари ёритилган. Талабаларда араб мамлакатлари билан дипломатик ёзишмалар ҳақида тасаввур шаклланишида қўлланмача вазифасини ўташ билан бир қаторда, эътибор қаратилиши лозим бўлган хос жиҳатлар борасида айрим тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: дипломатия, дипломатик ёзишмалар, гота, вербал, циркуляр, шахсий, хусусий, дорул-ислом, дорул-ҳарб, дарус-сулҳ.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена особенностям дипломатической переписки на арабском языке. В нем рассматриваются прошлые и настоящие формы дипломатии. Выделены тип современных дипломатических нот, их внутренняя структура, способы и подходы к изложению на арабском языке. Помимо того, что они служат руководством для формирования представлений студентов о дипломатической переписке с арабскими странами, даются некоторые рекомендации по конкретным аспектам, на которые следует обратить внимание.

Ключевые слова: дипломатия, дипломатическая переписка, нота, устная, циркулярная, личная, частная, даруль-ислам, даруль-харб, дарус-сулҳ.

ABSTRACT

The article is devoted to the peculiarities of diplomatic correspondence in Arabic. It examines past and present forms of diplomacy. The type of modern

diplomatic notes, their internal structure, methods and approaches to presentation in Arabic are highlighted. In addition to serving as a guide for forming students' ideas about diplomatic correspondence with Arab countries, some recommendations are given on specific aspects that should be paid attention to.

Key words: *diplomacy, diplomatic correspondence, note, verbal, circular, personal, private, Darul-Islam, Darul-Harb, Darus-Sulh.*

"Дипломатия" сўзи французча *diplomatie* сўзидан келиб чиққан, бу сўз ўз навбатида латинча *diploma* сўзидан олинган. *diploma* сўзи "хат", "ҳужжат" каби маъноларни англатади. "Дипломатия" тушунчаси халқаро муносабатлар ва дипломатик музокаралар олиб бориш санъатини ифодалаш учун киритилган. "Дипломатия" атамаси бир неча асрлар давомида турли сиёсатчилар ва ёзувчилар томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирги кунда дипломатия музокаралар олиб бориш ва сиёсий муаммолар ва низоларни ҳал қилишнинг энг самарали усулларидан бири ҳисобланади¹.

Дипломатия тарихидан

Дипломатиянинг илк кўринишлари қадим замонларда шакллана бошлаган. Тарихан, Қадимги Миср фиръавни Тутмос III дипломатиянинг кашшофларидан бири деб қаралади, Тутмос III кўшни давлатлар билан муваффақиятли музокаралар олиб борган, тинчлик шартномаларини тузган. Қадимги Хитойда ҳам дипломатик муносабатларнинг мураккаб тизими шаклланган, бу тизимда кўплаб масалаларнинг ечими, жумладан, элчилар алмашинуви ва шартномалар тузиш масалаларига қаратилган ёндашувларни ўз ичига олган².

Ўрта асрларда жаҳон миқёсида давлатчиликнинг ривожланиб бориши ва янгидан янги давлатларнинг ташкил этиши орқасидан ўсиб борган давлатлараро муносабатларда муқим элчихоналар ва дипломатик корпусларнинг роли ошиб борди, улар тобора халқаро саҳнада тинч-тотув, баҳамжихат яшаш, тижорий алоқалар ўрнатилиши, урушларга барҳам бериш каби масалаларда муқим омилга айланиб борди. Шу сабабли жаҳонда дипломатия алоҳида аҳамият касб эта бошлади. Ўвропаликлар орасидан биринчилардан бўлиб Готфрид Вилгелм Лейбниц бу атамани 1693 йилда ўз асарида қўллаган. Аммо "Дипломатия" атамаси Европада фақат XVIII асрга келиб қўлланила бошланган деб қаралади³.

¹ Никольсон Г. Дипломатия / Пер. с англ. под ред. и с предисл. А. А. Трояновского; Г. Никольсон. — [Москва] : Гос. изд. полит. лит., 1941: ОГИЗ, Государственное издательство политической литературы, 1941.

² [Дипломатия](#). Большая российская энциклопедия 2004–2017.

³ Никольсон Г. Дипломатия / Пер. с англ. под ред. и с предисл. А. А. Трояновского; Г. Никольсон. — [Москва] : Гос. изд. полит. лит., 1941: ОГИЗ, Государственное издательство политической литературы, 1941.

Дипломатия халқаро муносабатлар нормалари ва тамойилларининг ишлаб чиқиши ва жорий қилиниши, халқаро ҳамкорликнинг ривожланишида тутган ўрни бекиёслиги ваҳидан у низоларни олдини олиш, низоларни ҳал қилиш ва давлатлар ўртасида келишувларга эришишнинг асосий воситасига айланди.

Мусулмон Шарқда дипломатиянинг илк куртаклари ислом дини ёйилиши ва кенг ўлкаларга тарқалиши замирида шакллана ва ривожлана борди. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳис-салом турли давлатлар ҳукмдорларига, жумладан, Мисрда Муқавқис, Эронда Хусрав, Румда Қайсар, Ҳабашистонда Нажжаший, Яман ва Баҳрайнда маликларга номалар битиб элчилар юборгани сийрат китобларидан маълум. Шу тариқа, ислом оламида илк элчилик анъаналарига асос солинган. Ўтмишда мусулмон сулолалар –умавийвийлар, аббосийлар, зангийлар, айюбийлар, мамлюклар тимурийлар, бобурийлар, усмонийлар – қўшни давлатлар билан алоқалар ўрнатишда, тижорий алоқалар узвийлигини таъминлашда номалар юбориш, элчилар алмашинуви анъаналарини такомиллаштириб боришган. Даставвал, дунё давлатлари “дорул-ислом” ва “дорул-ҳарб” фикҳий тушунчаси асосида иккига бўлинган. “Дорул-ислом”га давлат бошқаруви, муомалаот ва қозилик тизимида ислом қонунлари жорий бўлган ўлкалар киритилган. “Дорул-ҳарб”га ислом дини устувор бўлмаган, асосий аҳолиси ислом динига эътиқод қилмаган ўлка ва юртлар киритилган⁴.

Тарихан мусулмон давлатчилиқнинг такомиллашуви билан бир қаторда давлатнинг ташқи алоқалари ҳам ривожланиб борди, қўшни мамлакатлар билан тинчлик, сулҳ битимлари негизида алоқаларнинг кенгайиб бориши кузатилган. Шу асосда учинчи атама – “Дорус-сулҳ” тушунчаси такомиллашиб, ташқи алоқаларнинг барқарорлигини таъминловчи муҳим омилларнинг бирига айланди. Давлатлар ўртасидаги дипломатик алоқалар ана шу 3 (учта) тушунчага таяниб олиб борилган.

Ўрта сарларда Миср ва Шом юртида м. 1250/х.648-м.1382/х.784 йй. оралиғида ҳукмронлик қилган Мамлюклар салтанатида дипломатия мазкур учта тушунчага таянган тинчлик-тотувлик ва яхши қўшничилик тамойилига таянгани маълум. Тадқиқотларга кўра, мамлюклар “... Шарқдаги христиан ҳукмдорлар билан яқинлашишга турли даражада интилишган...”⁵.

Дипломатик алоқаларнинг қамрови ва мазмун жиҳатдан кенгайиб бориши кетидан дипломатик вазифаларни бажарувчи маъмурий идора ташкил этилади ва унинг зиммасига дипломатик фаолиятни мувофиқлаштириб бориш, ёзишмалар ва элчилар ташрифи ва алмашинувини тамойила ташкиллаштириб

⁴ ABEL. A. “Dar al-kharb” E/2. Vol. 11 P.129-130.

⁵ توفيق (عمر كامل) الدبلوماسية الإسلامية والعلاقات السلمية مع الصليبيين. دراسات تجليلية وثقافية في التاريخ الدبلوماسي

бориш зиммасига юклатилади. Бу маъмурий аппарат мамлуклар даврида “Девон ал-иншо” деб аталган. Девонул-иншо тарафидан ишлаб чиқилган йўриқномаларда дипломатик муносабатларни тартибга солувчи қоидалар нозик ва дақиқ жиҳатлари билан батафсил ёритилган, ҳар бир ҳукмдорга хос шараф унвонлари – “алқоб аш-шараф” ишлаб чиқилган, ёзишмалар олиб бориладиган тиллар белгиланган, ҳукмдорлар алмашинадиган мактубларнинг мазмун-моҳиятини она тилидан таржима тилига бекаму кўст ўгириб берувчи таржимонлар масалаларигача ҳар бир ҳолат бўйича тартиб белгилаб чиқилган.

Замонавий дипломатия бу – давлатларнинг ташқи сиёсатини амалга ошириш воситаси бўлиб, муайян шароитлар ва ечимини кутаётган вазифаларнинг моҳиятини ҳисобга олган ҳолда олиб бориладиган чоратadbирлар, усул ва ёндашувлар мажмуидир. Дипломатиянинг бошқа таърифлари ҳам бор.

Дипломатик ёзишмалар

Дипломатик ёзишмалар давлат ташқи алоқалар идорасининг хориждаги ва юртдаги дипломатик ваколатхона ва халқаро ташкилотлар билан олиб борадиган амалий мулоқот ва ёзишмаларнинг энг салмоқли ва самаралиси саналади.

Дипломатик ёзишмалар турига кўра қуйидагиларга бўлинади:

- вербал нота (оғзаки хабар)
- циркуляр нота (айланма хабар)
- шахсий нота
- меморандум (англашув)
- эслатма хат (памятная записка)
- шахсий мактуб (личное письмо)

Араб манбаларида нотанинг асосий учта тури кўрсатиб ўтилган⁶. Улар:

- رسالة (مذكرة) شفہیة
- رسالة (مذكرة) موقعة
- مفكرة

Ноталар тузилиш моҳияти ва олдига қўйилган вазифасига кўра турлича номланишини айтиб ўтилди.

“Вербал нота” “оғзаки хабар” деган маънони билдирса-да, ташқи ишлар вазирлигига ёки қабул қилувчи (меzbон) давлатда аккредитациядан ўтган, яъни ишонч ёрлиғи қабул қилинган давлатларнинг элчихоналарига юбориладиган ёзма хабар шаклидаги нота кўринишида бўлади. Унда элчи исми шарифининг

⁶ https://lib-diplomatic.blogspot.com/2012/09/blog-post_15.html?m=1

бош ҳарфлари, элчихона муҳри ва сана урилган бўлади. Дипломатик ёзишмалар орасида қўллови кўпроқ тарқалган бу нотада, одатда, бирор муҳим масала ҳақида сўз боради, илтимоснома ва талабномалар юборилади, элчи ёки дипломатик миссия аъзосининг маълум вақт мамлакатдан ташқарида бўлиши каби билдиргиларни ўз ичига олади. Нота махсус бланкада ўзга шахс (III шахс) номидан битилади, кириш ва якуний қисми комплимент, яъни илтифотни ўз ичига олади. Вербал нота шахсан топширилади ёки курьер (хат ташувчи) орқали юборилади.

Араб тилида “рисалатун шафаҳиятун – رسالة شفہية”, “музаккиратун шафаҳиятун – مذكرة شفہية” деб юритилади.

“Циркуляр нота” (тарқатма хабар) вербал нотанинг бир кўриниши бўлиб, ташқи ишлар вазирлиги тарафидан элчихоналарни турли ўзгаришлар, жумладан, ваколатли органлар, хусусан, божхона иш режимидаги ўзгаришлар, дипломатик корпуснинг бирор тadbирда қатнашиш тартиб-низоми юзасидан хабардор қилиш учун хат ташувчи орқали юборилади.

“Шахсий нота” шахсан элчи номидан битилиб, унда махсус, принципиал аҳамиятга эга масалалар ҳақида сўз боради. Биринчи шахс номидан махсус бланкада битилади. Нота мазмунан уч қисмга бўлинади: 1) кириш қисми, 2) асосий мазмун, 3) якуний қисми. Кириш ва якуний қисми илтифотли сўзлар билан бошланиб якунланади. Шахсий нота шахсан топширилади ёки курьер (хат ташувчи) орқали юборилади.

Араб тилида “рисалатун муваққаъатун – رسالة موقعة”, “музаккиратун муваққаъатун – مذكرة موقعة” деб юритилади.

“Ёзма йўриқнома” (записная памятка) бирор масала бўйича мавқени билдириш учун алоҳида ҳужжат шаклида ёки вербал нотага илова шаклида шахсан топширилади ёки хат ташувчи орқали юборилади.

“Меморандум” (баённома) давлатнинг бирор масала юзасидан муносабати, мавқеини билдирувчи, мунозарали мавзулар юзасидан расмий қараш билдириладиган дипломатик ҳужжат саналади.

Араб тилида “мафкаратун – مفكرة” деб аталади.

“Хусусий мактуб” (частное письмо). Давлат арбоблари, маданият ва фан намоёндаларига элчилар тарафидан битиладиган хат бўлиб, бирор масалада муаллифнинг кизиқи ёки манфаатдорлигини таъкидлаб ўтиш зарурати юзасидан, ёйинки расмий тартибда кўриб чиқилиши исталмаган масала хусусида сўз борганида ёки шахсий муносабатни билдириш зарурати юзасидан хусусий мактуб битилади.

Дипломатик ҳужжатлар тузиш жараёнида қуйидаги талабларга риоя қилиниши керак:

- хужжат турини танлаш (вербал, циркуляр, меморандум...)
- шахс мақомини тўғри кўрсатиш (ташқи ишлар вазири, элчиларга қарата – “жаноби олийлари”, дин пешволарига – “шайхул-азҳар”, “шайхул-ислом”, “муфтий ҳазратлари”, “бош патриарх”...)
- протокол хушмуомалалик қоидаларига риоя этилиши
- хужжат давлат тилида битилиши (қабул қилувчи тарафнинг тилида таржимаси илова қилиниши мумкин)
- баён жиддий тус, ихчам ва равон услуб, ишчан руҳда бўлиши
- хат ташувчи-курьер орқали юборилиши ёки шахсан топширилиши

Ноталар орасида энг кўп қўлланиладигани “вербал нота” бўлиб, унда муҳим, принципиал ёки долзарб масалалар юзасидан сўз боради, бундан ташқари, жорий ўзгаришлар ва муносабатлар билан боғлиқ ахборотни ўз ичига олиши мумкин. Масалан, дипломатик миссия таркибидаги ўзгариш, байрам муносабати билан иш жадвалидаги ўзгаришлар, талабнома, илтимоснома, масала юзасидан эътироз ёки эътибор қаратилиши мазмунидаги ёзишмалардан ташкил топади. Мазкур нота гербли бланкада III шахс, ихчам ва равон тилда тузилади, рақам-индекс ва сана қўйилади. Бундан ташқари, қабул қилувчининг манзили кўрсатилади, матн остида муҳр босилади, аммо имзо қўйилмайди.

Нота матни мазмунан уч қисмга бўлинади:

- 1) кириш қисми
- 2) нота мазмуни
- 3) якуний қисм.

Махсус бланканинг юқори ўнг қисмида нота рақами киритилади:

الرقم: 322-12

Бланканинг юқори қисми чап тарафида сана кўрсатилади:

التاريخ: 10 ديسمبر 2024

Кириш қисми ушбу илтифот сўзлари билан бошланади:

تهدي سفارة جمهورية مصر العربية في الدوحة أطيبت تحياتها إلى وزارة خارجية دولة قطر.....

Нотанинг асосий мазмунига ўтишда шарафни ифодаловчи ибора қўлланилади:

وتتشرف بالإفادة التالي؛

Агар нотадан ташқи ишлар вазирлигининг аввалроқ юборган нотасига эътибор қаратилиши ва унга биноан лозим чора-тадбирлар кўрилиши кўзланган бўлса ушбу ибора қўлланилади:

ترجو السفارة من الوزارة الموقرة التفضل بالإحاطة بمذكرة وزارة خارجية جمهورية مصر العربية رقم _____ الصادرة بتاريخ الثلاثاء الثاني من مارس 2024 الموجه إلى البعثات الدبلوماسية المعتمدة في جمهورية مصر العربية بشأن والتكرم بالتنبيه باتخاذ اللازم والإفادة. (نص المذكرة ملحق في 6 أوراق).

Нотанинг мазмуни ифодалангач, ушбу илтифот ила якун ясалади:

هذا وتنتهز السفارة هذه الفرصة لتعرب عن فائق تقديرها إلى وزارة خارجية دولة قطر.

Нота матни тугаган сатрдан қуйида ўнг тарафда адресат номи ва манзили кўрсатилади:

وزارة خارجية دولة قطر،
مدينة الدوحة

Нотада элчихона бирон жиддий важ-сабабга кўра қайсидир тадбирда элчининг қатнаша олмаслик сабабини баёнини келтириши лозим бўлганида қуйидагича кўринишда бўлиши мумкин:

تهدي سفارة جمهورية العربية في أطيبت تحياتها إلى وزارة خارجية جمهورية، وبالإشارة إلى مذكرة الوزارة رقم بتاريخ 202/.../... بشأن الدعوة الموجهة للسفارات الأجنبية المعتمدة في للمشاركة في احتفال اليوم العالمي للغة العربية، المقرر عقده يوم 202/.../... برعاية الأكاديمية الدولية في

تتشرف السفارة بالإفادة بأن سفارة جمهورية العربية في تعتذر عن المشاركة في حفلات اليوم العالمي للغة العربية، وذلك بناء على قرار مجلس السفراء العرب المعتمدين في بتأجيل كافة مظاهر الاحتفالات والمهرجانات خلال هذا العام تضامناً مع الشعب الفلسطيني.

Шошилинг нота юборилиш лозим бўлганида нота рақами тагидан янги сатр бошида шошилинч ёзуви қалинг ва тагчизикқа олинган шрифтда берилиши мумкин:

رقم: _____
التاريخ: _____
عاجل

مذكرة شفوية

تهدي سفارة جمهورية مصر العربية في جمهورية أوزبكستان أطيبت تحياتها إلى وزارة خارجية جمهورية أوزبكستان، وبالإشارة إلى مذكرة الوزارة الموقرة رقم _____ بتاريخ 202/.../...؛
تتشرف السفارة بتأكيد مشاركة السيدة الدكتورة/.....، رئيسة المجلس القومي للمرأة بجمهورية مصر العربية، في المنتدى العالمي للمرأة تحت عنوان "خبرة أوزبكستان والدول الأعضاء في منظمة التعاون الإسلامي في مجال دعم المرأة" المقرر عقده بمدينة سمرقند خلال الفترة من 22 إلى 23 نوفمبر 2023، وذلك تحت إشراف لجنة شئون الأسرة والمرأة التابعة لوزارة التشغيل والحد من الفقر بجمهورية أوزبكستان.

Лозим топганда, нотада расмий ташриф юзасидан тафсилотларга алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз:

هذا، وترجو السفارة من الوزارة الموقرة التكرم بإبلاغ لجنة شئون الأسرة والمرأة بتأكيد مشاركة رئيسة المجلس القومي للمرأة، وموافاة السفارة بتذكرة الطيران الخاصة بسيادتها، وكذلك بيانات حجز الفندق وإسم

المرافق لسيادتها، حتى يتسنى إبلاغها بكافة التفاصيل الخاصة بالزيارة والمشاركة في أعمال المنتدى المشار إليه بعاليه.

Циркуляр нота ТИВ тарафидан ҳам, элчихона тарафидан ёзилиши мумкин. Қуйида байрам муносабати билан элчихонанинг иш жадвалидаги ўзгариш юзасидан билдирги берилишини кўриб чиқамиз:

تهدي سفارة دولة الكويت في جمهورية أوزبكستان أطيب تحياتها إلى وزارة خارجية جمهورية أوزبكستان وسفارات الدول الأجنبية والمنظمات الدولية المعتمدة في جمهورية أوزبكستان؛

تتشرف السفارة بإبلاغكم أن سفارة دولة الكويت لدى جمهورية أوزبكستان لا تعمل خلال الفترة من 8 إلى 9 فبراير 2024 بمناسبة إحتفال معراج النبي محمد صلى الله عليه وسلم.

Қабул қилган давлатдаги элчихона нота сўнггида қабул қилувчи давлатнинг ташқи ишлар вазирлиги билан бир қаторда мамлакатда аккредитациядан ўтган дипломатик миссиялар ва халқаро ташкилотлар номига нотанинг кириш ва якунловчи қисмида илтифотни билдиради:

وتنتهز السفارة هذه الفرصة لتعرب عن فائق تقديرها واحترامها لوزارة خارجية جمهورية أوزبكستان والبعثات الدبلوماسية والمنظمات الدولية المعتمدة في جمهورية أوزبكستان.

Араб тили таржима дарслари жараёнида сиёсий, иқтисодий ва маданий матнлар таржимасига алоҳида аҳамият қаратилиши лозим. бунинг учун авваламбор ўқитувчи араб тили янгиликлари тилининг ўзига хос хусусиятлари билан яқиндан таниш бўлиши, шу хусусиятлари билан талабаларни даражама-даража таништириб бориши айтиш мумкин. Интернет хабарлари, интернет масс-медияси таржимасида талабалар тарафидан терминлар, кўп маъноли сўзлар, услубий мослашув, таржима трансформациясини тўғри танлаш ва улардан унумли фойдалана олиш кўникмалари ҳосил қилиш таржиманинг аниқ, раво ва пухта бўлишини таъминлайди. Кўп ҳолларда икки тилга хос бир хил услубнинг лисоний хусусиятлари бир-бирига мос келмаслиги мумкин. Шундай ҳолларда таржимондан алоҳида маҳорат талаб этилади. Хабарларнинг берилиш услубини ўрганиб бориш, сиёсий хабарлар ва, қолаверса дипломатик ёзишмаларда қўлланиладиган лисоний бирликларни ўрганиб бориш, дипломатик ёзишмаларнинг лисоний хусусиятини аниқлаб олиниши таржима жараёнида сиёсий ибора ва лисоний бирликларнинг таржима қилинаётган тилдаги муқобилларни танлашга, таржиманинг асл матн услуби билан ҳамоҳанг тарзда амалга оширишга ёрдам беради. юқорида санаб ўтилган жиҳатларга

аҳамият қаратилса, талабаларни сиёсий матнда бериладиган хабарларни қийинчиликларсиз таржима қила олишларига эришиш мумкин.

АДАБИЁТЛАР

1. Никольсон Г. Дипломатия / Пер. с англ. под ред. и с предисл. А. А. Трояновского; Г. Никольсон. — [Москва] : Гос. изд. полит. лит., 1941: ОГИЗ, Государственное издательство политической литературы, 1941.
2. Дипломатия. Большая российская энциклопедия 2004–2017.
3. ABEL. A. “Dar al-kharb” E/2. Vol. 11 P.129-130.
4. توفيق (عمر كامل) الدبلوماسية الإسلامية والعلاقات السلمية مع الصليبيين. دراسات تجليلية وثقافية في التاريخ الدبلوماسي (640-1291/1097-1291). مؤسسة شباب الجامعة 1986 ص. 24-25.